

ИНСОН ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК АСОСЛАРИ

Эгамберган Худойназаров Мадрахимович

Урганч давлат университети

“Бошланғич таълим методикаси” кафедраси доценти

Авезова Дилноза Ғуламбек қизи-

Урганч давлат университети бошланғич таълим йўналиши талабаси.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим жараёнининг муҳим компонентларидан бири бўлган инсоннинг фикрлаш жараёнини ривожлантиришнинг дидактик асослари ва уни ўзига хос жиҳатлари, кўплаб тадқиқотчиларнинг бу ҳусусдаги мулоҳазалари таҳлил қилинган. Мақола якунида муаллиф томонидан кўплаб хулосавий фикрлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: фикрлаш, тафаккур, дидактика, мантиқ илми, мантиқий фикрлаш, мантиқий таҳлил, дидактик жараён, аргументлаш, ривожлантириш.

ABSTRACT

This article analyzes the didactic foundations of the development of the human thinking process, which is one of the important components of the educational process, and its specific aspects, as well as the opinions of many researchers in this regard. At the end of the article, the author made many concluding remarks.

Key words: thinking, thinking, didactics, science of logic, logical thinking, logical analysis, didactic process, argumentation, development.

КИРИШ

Бошланғич таълим ўқувчи шахсини ҳар томонлама шакллантириш, уларда фикрлаш фаоллигини таркиб топтириш учун қулай давр ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларида нутқнинг ривожланиши билан бир қаторда фикрлаш фаоллиги ҳам вужудга келади. Ўқувчининг таққослаш, таснифлаш, умумлаштириш, тизимлаштиришга оид дастлабки кўникмалари унинг ўз фикрларини мантиқий изчилликда аниқ, образли, раво баён қила олишида намоён бўлади.

Фикрлаш – муайян воқеа-ҳодиса ҳақида маълум бир хулосага келиш учун мулоҳаза юритиш, ўйлашни ифодаловчи тушунча [3].

Фикрлаш ҳам фаолиятга мос бўлган ҳаракатга эга бўлишни талаб қилади. Бошланғич таълимда ўрганиладиган таълим элементларини ўзлаштиришга, улар устида амаллар бажаришга қаратилган фаолиятдир.

Бошланғич синф ўқувчилари мантикий фикрлашини ривожлантиришда ўқитиладиган дарслар, ташкил қилинадиган синфдан ташқари ишлар, айниқса бу жараёнда тақдим этиладиган мақсадга йўналтирилган савол ва оғзаки машқлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Анъанавий дарсларда эса ўқитувчилар ўқувчиларга ёзма машқлар бажартиришга алоҳида эътибор қаратганлар. Бу жараёнда ўқувчининг диққати асосан топшириқларни тўғри ёзишга қаратилади. Кўчириб ёзилаётган масала ёки машқнинг мазмунига ўқувчилар етарлича эътибор қаратмайдилар. Ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини шакллантириш абстракт-образли тафаккурини ривожлантириш мақсадида ўқитувчилар махсус танланган оғзаки машқлар тизимидан фойдаланишлари лозим. Чунки оғзаки машқлар ўқувчиларнинг фикрлашларини тезлаштиради.

Оғзаки машқлар ўқувчиларга ҳодисанинг моҳиятини тезда кўриш, тушуниш ва унинг бажарилишини тўғри изоҳлай олиш имкониятини беради. Ёзма машқларни бажариш давомида эса бошланғич синф ўқувчилари воқеа ҳодисанинг моҳиятини англаб олишга қийналадилар. Оғзаки машқларнинг характери турли-туман бўлиши мумкин: объектни берилган белгиларига кўра топиб олиш бўйича машқлар, объектни ўхшашлиги ва фарқларини топиш бўйича машқлар ёки қонуниятларни аниқлаш, таснифлашга доир машқлар ва ҳ.к.

МЕТОДОЛОГИЯ

Бундан ташқари оғзаки машқлар дарс шакллари ра ранг-баранг қилишга ёрдам беради. Аввало, қизиқарли машқларни киритиш орқали ўқувчилар фаоллигини ошириш мумкин, хусусан, дидактик ўйинли, муаммоли дарсларни ташкил қилишда оғзаки машқлар асосий ўринни эгаллайди. Маълумки, дарсларда ёки синфдан ташқари машғулотларда дидактик ўйинлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг мантикий фикрлашини фаоллаштиради. Бу эса ихтиёрий мажбурий бўлмаган диққатни, хотирани, ассоциатив фаолиятни ҳамда ўқувчиларнинг таққослаш, солиштириш, хулосалар чиқариш ва умумлаштириш қобилиятларини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларнинг ҳал қилинишини таъминлайди.

Оғзаки машқлар синфдаги ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлашга имконият яратади. Ўқувчининг имкониятидан келиб чиқиб, унинг ақлий ва психологик имкониятларини ҳисобга олиб, таклиф этилган табақалашган

оғзаки машқлар тизими ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини максимал ривожлантиришга шароит яратади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Оғзаки машқлар фанларни ўқитишда замонвий педагогик технологияни қўллаш воситаси ҳамда ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш, ўқув жараёни махсулдорлигини ошириш борасида катта имкониятларга эга бўлиб, ўқувчи шахсини ривожлантирувчи асосий воситадир. Демак, мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлар таълимнинг шахсга йўналтирилганлик ғояси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўяди. Шунинг учун, бошланғич синф ўқувчилари мантиқий фикрлашини ривожлантиришда мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлардан фойдаланиш муаммоси ўқув жараёнида таълим методларни қўллаш билан бевосита боғлиқ.

Бу соҳада қуйидаги муаммолар мавжуд:

- бошланғич синфларда таълимнинг ривожлантирувчи имкониятларини кучайтириш зарурияти билан уларда мантиқий фикрлашни мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлар воситасида шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган методикани ишлаб чиқилмаганлиги;
- бошланғич таълимда синфдан ташқари ишларни ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш имкониятларининг батафсил очиб берилмаганлиги;
- ўқитиладиган дарсларда бошланғич синф ўқувчиларининг мантиқий фикрлашини ташкил қилишда мақсадга йўналтирилган оғзаки машқлардан ўқувчи шахсини ривожлантириш учун фойдаланишнинг заруриятининг мавжудлиги.

Юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этиш зарурияти биз танлаган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Хусусий дидактикада ўқувчиларнинг фикрлашини равожлантиришга оид кўплаб илмий ёндашувлар мавжуд. Сўнгги йилларда фан-техниканинг ривожланиши натижасида ўқувчиларнинг ўқитишдаги таълим технологиялари ҳам такомиллаштирилди. Илмий изланишлар шуни кўрсатдики, таълимнинг янги парадигмасига ўтилиши муносабати билан ўқувчиларнинг мантиқий фикрлашини ҳам янги сифат босқичига кўтариш эҳтиёжи кучайди. Ўқувчиларнинг фикрлашини ривожлантириш масаласида мутахассислар турлича ёндашувларни илгари сурганлар [6].

Хорижлик олимлар томонидан илгари сурилган дастлабки назариялардан бири ассоциатив йўналишга бағишланган. Бу йўналиш вакиллари ассоциацияни фикрлашнинг асоси деб ҳисоблаганлар. Англияда Давид Юм, Гартли Д., Пристли П., Джемс Милл, Джон Стюарт Миль, Александр Бен, Герберт Спенсер, Францияда Т.Рибо, Германияда Теодор Циген, Юлиус Эббингаузлар ассоциатив йўналиш вакиллари дир. “Ассоциация” тушунчасини дастлаб Д.Локк [3] изоҳлаган. Унинг фикрича ассоциацияни бутун рухий кечинмалар, жараёнлар ва фикрлашнинг умумий механизми сифатида қараш мумкин. Муаллиф ушбу йўналишда учта асосий ғояни илгари сурган: ассоциация тўғрисидаги; билимнинг ҳиссиётдан келиб чиқиши; фикрлаш жараёнининг бошқалардан ҳоли характери ҳақидаги ғоялар. Ушбу назариянинг камчилиги шундан иборатки, унда субъектнинг ақлий фаоллиги, ҳал қилинаётган муаммоларнинг моҳияти билан боғлиқлигига эътибор берилмаган. Ушбу назария фақат ўз-ўзича, ҳамда ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда фикрлашга асосланади. Ақлий фаолликнинг энг ривожланган кўриниши ҳам хотиранинг қайта ишлаши маҳсули деб қараш ассоциатив ёндашув тарафдорларига хос дир.

А.И.Голиковнинг [3] гувоҳлик беришича фикрлаш жараёнини ассоциатив ёндашув тарафдорлари нуктаи назаридан тушуниш педагоглар ва психологлар томонидан кескин танқид қилинган. Ассоциатив ёндашувга қарши чиққан Вюрцбург илмий мактаби вакиллари фикрлаш жараёнининг сифат жиҳатдан ўзига хослигини таъкидлаганлар, улар фикрлаш фаолиятида ўзига хос бўлган алоҳида сезги органлари билан англаб бўлмайдиган, онгли тарзда бошқарилмайдиган фикрлаш компонентларини кўра билганлар. Шунга кўра фикрлаш жараёнини соф ҳаракат сифатида баҳолаганлар ҳамда, фикрлаш жараёнини тизимли экспериментал ўрганишга асос солганлар. Бундай ёндашув интроспекция услубига зарба берган, ўтказилган экспериментлар натижасида субъект ўзининг фикрлаш жараёнини доимо англай олмаслиги, масалани ечаётганида нима сабабдан унинг ҳаёлига турли фикрлар келиши мумкинлигини тушунтира олмасликларини таъкидлаганлар.

Олимнинг фикрича, инсондаги фикрлаш фаолиятининг ривожланиш жараёни фикрлар ўртасида янги муносабатларнинг юзага келиши сифатида тушунилади. Бу муносабатлар олдинги фикрлаш жараёнларига боғлиқ бўлади. Ривожланиб ўсиб боровчи, идора қилувчи одатлар, кўникмалар фикрлашнинг тартибли кечиши асосидир.

Фикрлаш жараёнининг таркибий қисмлари кўрсатиб ўтилган, фикрлаш фаолиятининг тараққиётида муаммоларнинг аҳамияти, уларнинг фикрлаш жараёнига ижобий таъсири кўрсатиб берилган.

Фикрлаш жараёни муаммолари бихевиоризм назариясида ўзига хос талқин қилинган.

Бихевиоризм, (инглизча behaviour – хулқ-атвор, хатти-ҳаракат) 19-асрнинг охирида шаклланиб, 20-асрда ривожланган Америка психологиясидаги етакчи оқимларидан бири. Бихевиоризм таълимоти асосида инсон ва жониворларда муҳитнинг таъсири, қўзғатувчиларга жавобан амалга ошириладиган ишлар, нутқий ва ҳиссий жавоблар тизимининг амалга оширилишини англатади.

Бихевиоризм ғояси тарафдорлари фикрига кўра ташқи рағбатларга жавобан фикрлаш жараёни вужудга келади. Мазкур йўналиш тарафдорлари ўз тажрибаларини асосан ҳайвонларда ўтказганлар. Инсон ва ҳайвоннинг фикрлашини бир-бирига ўхшаш деб билган бихевиоризм тарафдорлари фикрлашни организмнинг муаммоли шароитга кўникишга қаратилган ҳаракати деб баён қилганлар.

А.И.Голиковнинг аниқлашича, бу жараён миянинг ташқи олами қабул қилиши ва жавоб ҳаракатлари шаклида намоён бўлади. Ушбу назариянинг камчилиги шундаки, инсон кўрмаган, хис қилмаган ва қабул қилмаган нарсалари ҳақида фикр юрита олмайди, ҳамда бу қобилият унда мавжуд бўлмаслиги керак деб ҳисоблайдилар. Шуниси аҳамиятлики, айрим ўқувчилар қулай шароитда ҳам билимларни яхши ўзлаштирмасдан, ноқулай шароитда ҳам муайян билимларни чуқур эгаллаши мумкин. Бу ҳолатлар бихевиоризмчилар назариясини инкор қилишга асос бўлади.

Гештальт психологларнинг асарларида фикрлаш жараёнига ўзига хос тарзда ёндашув кузатилади. Ўтган XX асрда юзага келган гештальт психология дунёнинг турли мамлакатлари психологларини ўз сафига бирлаштирди. Вертгаймер М., Дункер К., Секей Л. ва бошқалар гештальтизм ғояларини илгари сурганлар. Гештальтизмчилар ўз ғоялари таркибига яхлит маълумот (ўқиш), шакллар (ёки гештальтлар) тўғрисидаги қарашларни асос қилиб олганлар. Фикрлаш фаолиятининг асосий механизми сифатида структура тамойилини илгари суриб бу ғоя фикрлаш жараёнининг бутун динамикасини фикрнинг таркибини алмашинувига олиб келди, яъни унинг таркиби фикрлаш фаолияти натижаларини ўрганиш билан алмаштирилди.

НАТИЖА

Гештальт психологияси тарафдорлари образ қисмлари орасидаги боғланиш асосида кечадиган фикрлаш жараёнини ўзлари учун асос қилиб олганлар.

Фикрлаш қонуниятларини ўрганишга таниқли рус психологлардан Блонский П.П., Брушлинский А.В., Кабанова-Меллер Е.Н., Выготский Л.С., Гальперин П.Я., Давыдов В.В., Леонтьев А.Н., Менчинская Н.А., Рубинштейн С.Л., Богоявленский Д.Н., Пономарев Я.А., Талызина Н.Ф. ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Ўқувчиларни ўқитиш назариясига оид Выготский Л.С. томонидан аниқланган ақлий ривожланиш даражалари “тўғри ташкил қилинган ўқитиш болани ақлий ривожланишига олиб келади” деган хулосани илгари суришга имкон берди. Выготский Л.С. ва Блонскийлар П.П. ёшликда олинган илм фикрлаш қобилиятини жадал ривожлантиришини аниқлаганлар.

Изланишлардан маълумки, инсон тафаккури инсоният томонидан яратилган билим олиш жараёнида ривожланиб субъект учун фаол, яратувчанлик фаолиятидир.

Инсон фикрлашини ривожлантиришнинг назарий ёндашувлари қуйидаги таркибий қисмларни ажратиб кўрсатишга имкон беради:

1. Яхлитлик ва тизимлилик.
2. Рефлексивлик.
3. Танқидийлик.
4. Инновационлик.
5. Қайишувчанлик.
6. Ноаниқ вазиятда ўз тақдирини ўзи белгилай олиш қобилияти.
7. Маҳсулдорлик.

С.Л. Рубинштейн фикрлаш жараёни ва унинг натижалари бир-бирига боғлиқлигини кўрсатиб ўтган. Унинг ўқиш ҳали фикрлаш эмаслиги ҳақидаги назариясини шундай изоҳлаш мумкин: Кимдир йўлнинг узунлигини билиши мумкин, аммо ундаги бурилишлар, ўйдум-чуқурларни таҳлил қилсагина у автомобилда манзилга эсон-омон етиб бориши аниқ.

С.Л. Рубинштейн мактаби психологлари изланишлари кўрсатганидек ўқувчилар олдида тобора қийинлашиб борадиган масалаларни қўйиш боланинг ўрганиш фаолиятини ташкиллаштиради ва лозим бўлган томонга йўналтиради, унинг мантиқий фикрлашини ривожлантиради.

Биз изланишларимиз давомида бошқа психологлар, дидактларнинг хулосалари, ғоялари ва қоидаларига ҳам таянганмиз. Ушбу билимлар, ёндашувлар ўрганилаётган муаммонинг фанларни ўқитиш методикаси соҳасидаги услубий ўрнини аниқлашда ёрдам берди. Булар Эльконин Д.Б., Давыдов В.В., Занков Л.В., Кабанова-Меллер Е.Н., Самарин Ю.А. ва бошқаларнинг қарашларида ўз ифодасини топган. Ривожланувчи таълим

назариясининг намоёндаларидан Эльконин Д.Б. ва В.В.Давыдовлар назарий (аммо, одатий эмпирик бўлмаган) билим ва фикрлаш, ўқиш фаолиятини янада батафсилроқ татқиқ этишга муваффақ бўлганлар.

Ривожлантирувчи таълим жараёнида ўқувчилар ҳам ўқитувчилар ҳам таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли субъектлари ҳисобланадилар. Ушбу назария шахсга йўналтирилган таълим назарияси билан уйғунлашган ҳолда илғор технологияларни ўзида мужассамлаштиради [4, 5].

ХУЛОСА

Шахсга йўналтирилган таълим – таълим олувчиларнинг шахсий, индивидуал лаёқати, қобилияти ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларни татбиқ этиш асосида уларда маълум билим, кўникма, малакаларни ҳосил қилишгина эмас, балки, энг асосийси, ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилган таълим жараёнини англлатувчи тушунча [3].

Шахсга йўналтирилган таълим асосини таълим олувчиларда онг, характер, дунёқарашни шакллантиришга хизмат қилувчи табақалаштириш ва индивидуаллаштириш принциплари ташкил этади.

Шахсга йўналтирилган таълимнинг анъанавий таълимдан фарқи шундаки, у турли билим соҳалари бўйича шахснинг хилма-хил, мустақил ва мақсадга мувофиқ фаолиятини ташкил этилиши учун зарур шарт-шароитни яратиб бериш орқали таълим олувчининг интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан самарали ривожланишини таъминлайди.

Мактаб ўқувчиларининг мантикий фикрлашини ривожлантиришда билим ва малакаларни амалга оширишни шакллантириш аҳамиятлидир. Турли, ҳақиқий билим ва малакалар ўқувчиларда қанча кўп ҳосил қилинса, уларнинг фантазияси, фикрлаши ўсади ҳамда мураккаброқ бўлган топшириқларни бажара оладилар.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони / www.lex.uz.
2. Савенков А.И. Маленькие исследователи в реальной жизни // Дошкольное образование. № 7-2004. С. 6 -19.

3. Худойназаров Э.М. Бошланғич синф ўқувчиларининг мантикий фикрлашини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш. Фал. ф. д...дисс. – Термиз., 2022. –152 б.
4. Khudoynazarov E.M. An active approach to education as a methodological basis for the study of problems of practical task // International Scientific Journal Theoretical & Applied Science e-ISSN: 2409-0085, 2021, P. 764 – 767
5. Khudoynazarov E.M. Student's development as the main factor of educational activities // Eastern European Scientific Journal. – Ausgabe – Germany. 2-2017. P. 119-123.
6. Khudoynazarov E.M. Didactic possibilities of oral exercises in forming initial classes pupils' mathematical thinking activity// Eastern European Scientific Journal. – Ausgabe – Germany.1-2019. P. 249-253.
7. Masharipova G. K. "DINSHUNOSLIK" FANINI O „QITISHNING DOLZARB MUAMMOLARI //Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. NUU Conference 2. – C. 812-816.
8. Masharipova G. K. The scientific heritage of the scholars of Khorazm Mamun Academy who made great inventions of the Middle Age //Europäische Fachhochschule. – 2013. – №. 9. – C. 13-14.
9. Kamilovna M. G. et al. OYBEK'S HOUSE-MUSEUM IS AN EDUCATIONAL CENTER FOR YOUNG PEOPLE //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2021. – T. 1. – №. 02. – C. 68-72.
10. Kamilovna M. G., Bakridinovna K. S. GREAT DISCOVERIES OF THE MIDDLE AGES-SCIENTIFIC RESEARCH OF ENCYCLOPEDIA SCIENTISTS IN THE FIELD OF EXACT SCIENCES //Euro-Asia Conferences. – 2021. – T. 1. – №. 1. – C. 71-74.
11. Kamilovna M. G. et al. Interesting Events From The Life Of Famous Scientist Oybek //Euro-Asia Conferences. – 2021. – T. 3. – №. 1. – C. 15-17.
12. Kamilovna M. G. The View Of Eastern Thinkers On Youth Education //E-Conference Globe. – 2021. – C. 336-338.
13. Kamilovna M. G. et al. THE PLACE OF SCIENTIFIC HERITAGE AND TRANSLATED WORKS OF AYBEK IN YOUTH EDUCATION //Conference Zone. – 2022. – C. 273-276.
14. Kamilovna M. G. et al. SPECIAL CHARACTERISTICS OF AYBEK'S HISTORICAL NOVEL «SACRED BLOOD» IN YOUTH EDUCATION //Conference Zone. – 2022. – C. 16-19.